



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 130 (10.435)

2005 ЙИЛ 6 ИЮЛЬ

ШҲТНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди.

ОСТОНА, 5 июль.

(ЎзА махсус мухбири
Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг мазкур учрашувида ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, хусусан, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасидаги амалий ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда ШҲТ фаолиятининг асосий йўналишлари — хавфсизлик муаммолари ва савдо-иқтисодий мажмуадан ташқари, аъзо давлатлар ўртасида ижтимоий-маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлики, транспорт коммуникациялари борасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Шунингдек, Президентлар минтақавий ва халқаро муаммоларга, террорчилик, экстремизм, айирмачилик, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркобизнес ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси каби иллатларга қарши биргаликда курашининг самарадорлигини ошириш борасидаги масалаларга эътибор қаратилди.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида ШҲТни ривожлантириш масалаларига оид қарашлар, тақлиф ва мулоҳазалар баён этилди.

Музокара давомида ташкилотнинг ўтган йилги Тошкент саммитида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг бориши, Ўзбекистон пойтахтидаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳамда Пекиндаги Котибиятининг ўтган даврдаги фаолияти кўриб чиқилди. Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлики ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, сув-энергетика заҳираларидан фойдаланиш, нефтьга қонларини ўзлаштириш, транспорт, фан-техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, сайёҳлик ва экология соҳаларидаги алоқалар кўламини кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар ШҲТнинг Минтақавий ҳамкорлики ривожлантириш жағрамаси ҳамда Ишбилармонлар форумини ташкил этишга, Афғонистондаги тикланиш ишларидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Саммит яқунлари бўйича ШҲТ Давлат раҳбарларининг декларацияси имзоланди. Шунингдек, ШҲТга аъзо давлатларнинг террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлиги тўғрисидаги концепция қабул қилинди. ШҲТга аъзо мамлакатларнинг ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасидаги доимий вакиллари тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Саммитда Эрон, Покистон ва Ҳиндистонга ШҲТ ҳузурида қўзғатувчи мақомини бериш тўғрисидаги қарорларга имзо чекилди. Бунгача фақат Мўғилистон шундай мақомга эга эди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувида Президентлар саммит доирасидаги музокаралар самарали ўтгани, эришилган келишувлар аъзо мамлакатлар манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шу кунги Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Хитой муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди. Ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Ислон Каримов ва Ху Цзиньтао ўзаро мулоқотларни изчил давом эттириш, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида вазирик ва идоралар, ишбилармон доиралар ўртасидаги бевосита алоқаларни янада фаоллаштириш борасида келишиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари Мўғилистон Халқ Республикаси Президенти Намбарин Энхбаёр билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Мўғилистон муносабатларининг бугунги аҳоли ҳамда мамлакатларимизнинг ШҲТ доирасидаги ҳамкорлигига оид масалалар муҳокама қилинди.

МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ) Шанхай халқаро тадқиқотлар институти (ШХТИ) директорининг ўринбосари Ван Сюшу раҳбарлигидаги делегация аъзолари иштирокида «Марказий Осиёдаги ҳозирги вазият ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Хитой — Ўзбекистоннинг Осиёдаги йирик ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги алоқалар тобора ривожланиб бораётди. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг жорий йил майида Хитойга давлат ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома бу боралда мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида бугун жаҳон ҳамжамияти дуч келаётган таҳдидлар — халқаро террорчилик, экстремизм, ғиёванд моддалар савдоси каби муаммоларни бартараф этиш дунё мамлакатлари, жумладан,

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) аъзо давлатлардан ҳамжиҳатликдаги ҳаракатларни янада фаоллаштиришни талаб этаётгани алоҳида таъкидланди. Зеро, минтақа мамлакатлари иқтисодий интеграциялашуви тобора ривожланаётган ҳозирги пайтда барқарорликка жиддий хавф солаётган бундай хатарларга қарши фақат ҳамкорликда кураш самарадорлигини ошириш орқалигина барҳам бериш мумкин.

ШХТИ вакиллари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан ҳам учрашдилар.

Нодирбек ЎЛЖАБОВЕВ,
ЎзА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚИЧА

- **КЕЧА** Тошкент молия институти қошидаги академик лицей биттурувчиларига дипломлар топширилди.
- **СИХАТ** — саломатлик йили муносабати билан Сергели туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди.
- **КЕЧА** Олимпиада шон-шухрати музейига «Қамолот» ЁИХ Яқсарой туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги 160, 319-мактаблар қошидаги оромгоҳлар тарбияланувчилари саёҳат қилишди.
- **КЕЧА** «Дамарик» маҳалласида ёшлар ўртасида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Ез — ўтмоқда соз» деб номланди.
- **БУГУН** «Отчопар» маҳалласида ёшлар иштирокчида ўтказилган беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалий тадбир ҳамда семинар «Қамолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда Тошкент педиатрия-тиббий институти ҳамкорлигида уюштирилди.
- **КЕЧА** «Қамолот» ЁИХ Сергели туман Кенгаши ҳамда Тошкент Ислон университети ҳамкорлигида Шукр Бурҳонов маҳалласида бўлиб ўтган давра суҳбати аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишланди.
- **ЭРТАГА** «Дедеман Силк РОАД Тошкент» меҳмонхонасида Халқаро электролока иттифоқи, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан ташкил этилаётган «Н-Жи-Н стандартлари ва ахборот коммуникацион хизматларини ривожлантириш» мавзусидаги халқаро анжуман низоҳисига етди.
- **КЕЧА** 213-мактабда «Қамолот» ЁИХ Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан ўқувчилар иштирокида кўча оммавий спорт ўйинлари ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XXI саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича чиқарган қатор Фармонлари ва Қарори моҳиятини тадбиркорларга кенгроқ тушунтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазиirlар Кенгашида давра суҳбати ўтказилди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг съезди бўлиб ўтди. Унда партиянинг янги дастури қабул қилинди.

● Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон кўшиқ байрами» республика кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи якунланди.

● «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида грант лойиҳаларининг тақдими бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиздаги нуфузли банклардан бири ҳисобланмиш акциядорлик тижорат «Пахта-банк» Австриядаги «BGC Smartcard systems» компаниясининг «Энг илғор ҳамкор» сертификатига эга бўлди.

● Жорий йилнинг 3-12 июль кунлари Испанияда бўладиган халқаро физика олимпиадасига ҳамда 8-19 июль кунлари Мексикада ўтказиладиган халқаро математика олимпиадасига 11 нафар ўзбекистонлик ўқувчилар йўлланма олишди.

Жаҳонда

● Малайзияда парранда гриппининг юз бериши мумкин бўлган эпидемиясининг олдини олишга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

● Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида сешанбага ўтар кечаси рўй берган электр таъминотининг ўзилишига барҳам берилмоқда.

● Фаластин мухторияти раҳбарларининг мамлакат миллий бирдамлик ҳукумати сафига кириш ҳақидаги тақлифини ХАМАС террорчилик ташкилоти рад этди.

● Ироқда Миср Араб Республикаси элчиси Ихаб аш-Шериф ўғирланди. Ҳозирча ушбу қабиҳ жиноятни амалга оширган террорчилар ҳеч қандай талаб билдирмаётгилар.

● Хитой фазога парвозларни уюштириш бўйича дастурларни янада муваффақиятли ривожлантириш мақсадида Шанхайда янги космик марказ қуришни кўзда тутмоқда. 80 гектар ҳудудда жойлашадиган ушбу марказ Шанхай космик парвозлар академияси негизиде бунёд этилади.

Мазмун

ҚўЛЛАНМАНИНГ
ИККИНЧИ
НАШРИ

Тошкент Кимё-технология институтининг профессори Кудрат Ахмеров ўзининг деярли 50 йиллик педагогик фаолияти давомида талайгина дарслик ва ўқув қўлланмалари яратди. Улар орасида "Кимё лабораториялари асбоб-анжомлари" деб номланган ўқув адабиёти ҳам алоҳида ажралиб туради.

Касби-хунар коллежлари учун ёзилган маъзкур китобнинг навбатдаги иккинчи наشري яқинда қайта босма юзини кўрди.

Янги алифбода чоп этилган ушбу нашрда кимё дарсликда ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг расми ва чизмалари иллюстрация кўринишида акс эттирилди.

"Илм-зиё" нашриёт уйи томонидан чоп қилинган маъзкур қўлланма матбаа беэриги жиҳатидан ҳам эътиборни ўзига тортади.

КУТУБХОНА
ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида бир неча ўқув марказлари фаолият кўрсатмоқда. Чунончи Илмий ва маҳорат марказида олиб борилаётган таълимий жараёнлар ҳам бўлажак журналист кадрларни тайёрлашда қўл келмоқда.

Факультетда ушбу марказ кўмагида кутубхона ҳам очилди. Бу ерда ўзбек, рус тилларида чоп этилган адабиётларни қўлаб учратиш мумкин.

Инглиз тилида босмага тайёрланган журналлар, аудио ва видео материаллардан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари махсус ташкил этилган аудио ва видеохоналар ишлаб турибди.

"БИЛИМЛАР
БЕЛЛАШУВИ"
ГОЛИБЛАРИ

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг 50 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган навбатдаги танлов "Билимлар беллашуви" деган мавзуга бағишланди. Унда "Рингдаги рақобатчи талабалар", "Топқирлар ва қомиллар" жамоаларига уюшган иктидорли талабалар айниса фаоллик кўрсатдилар.

"Талаба илмий изланишда", "Устозлар-талабалар нигоҳида", "Талаба ва электрон дарслик" йўналишларида уюштирилган беллашувлар ҳам ёшлар салоҳиятини намойиш қилди. Амалга оширилаётган тадқиқотлар натижалари кўпчилики мамнун этди.

Танловда голибликни қўлга киритганлар олий ўқув юртининг "Информатика" кафедраси ҳамда университет "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг совғалари билан тақдирландилар.

Жамшид НАБИЕВ

ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР
ИШБИЛАРМОНЛАР МАНФААТЛАРИ
ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантиришга оид Фармонлари ва Қарори нафақат бугунги кундаги иқтисодиётимиз ривожига ҳамда тараққиётига, балки давлатимиз келажигига, халқимиз фаровонлигига эришишда аҳамиятли эканлиги шак-шубҳасиз. Шаҳримизда фаолият юритаётган тадбиркорлар улар хусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашмоқдалар. Шайхонтоҳур туманидаги «Қонит» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Улуғбек АБДУРАҲМОНОВ шу хусусда қуйидагиларни баён этди:

— Матбуотимизда кетма-кет эълон қилинган Президентимизнинг Қарор ва Фармонлари тадбиркорларга энг зарур бўлган эмин-эркин фаолият юритишларида катта ёрдам бериши, шубҳасиз. Қолган масала, муаммоларни йўл-йўлакай ечиш, ҳал этиш мумкин. Шу сабабли ҳам уларнинг тадбиркорларимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги бежиз эмас. Фармонлар ва Қарорни бандима-банд ўқиб, юрагимиз тўлқинланди. Шу ўринда «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими-

ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг аҳамияти ҳақида тўхталмоқчиман. Ушбу Фармонда ҳакамлар судига алоҳида эътибор берилганлиги айниқса, қувонарли. Чунки ушбу тизим бизлар — тадбиркорлар учун қатор-қатор қулайликлар беради. Даврининг ўзи талаб қилганидай, турли хўжалик юритувчи субъектлар, масалан, хусусий тадбиркорлар иштирокидаги шартномавий муносабатларда баъзи бир низола, тушунмовчиликлар юзга келмоқда. Уларни тўғри ҳал этиш-

да тадбиркорлик субъектлари ва бирлашмалар ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши тарафлар ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ишончли тарзда ҳимоя қилинишида фойда муҳимлигини таъкидлаш, менимча ўринли.


Органлар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари натижасида ишбилармонга етказилган зарарнинг ўрни суд қарори билан тўла ҳажмда бевосита давлат органлари томонидан, биринчи галда уларнинг бюджетдан ташқари ҳам-фарма маблағлари ҳисобига қоп-

Агар синчковлик билан эътибор берадиган бўлсак, табиат қўйнидаги ҳар бир гиёҳ, гуллар, мевалар, ўт-ўлан илдизлари, мусофҳо ҳаво, тоза булоқ суви инсон саломатлигига фойдали ҳисобланади. Киши организмга нихоятда зарур бўлган дармон-дорилар, иммунитетни кучайтирувчи дори воситалари, сироплар табиий доривор ўсимликлардан тайёрланишининг боиси ҳам шунда.

Иқтисодиёт

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ
ДАСТУРИ АСОСИДА

Бугунги кунда «Галеника» масъулияти чекланган жамияти табиий гиёҳлардан фойдали дори маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхоналардан саналади. Ушбу жамият 1992 йил шўъба корхона сифатида иш бошлаган. 1994 йилда масъулияти чекланган жамиятига айлантирилган корхонада 37 номдаги дори маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.



Йод, яшил суртма дорилар, настойка, бальзам, экстрактлар тайёрланаётган корхонада айна дамла 50 нафарга яқин киши иш билан таъминланган.

— Корхонамиз маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган бўлиб, маҳсулот учун зарур хом ашёнинг барчасини республикамиз корхона ва ташкилотларидан шартнома асосида сотиб оламиз, — дейди жамият раиси Ринат Мансуров. — Тайёр маҳсулот республикамизнинг барча дорихоналари орқали харидорларга етказиб берилади.

Настойкалар, этил спиртлар, экстрактлар учун флакон ва қопқоқлар шахримизда фаолият юритаётган «Фарм-глас» қўшма корхонасида тайёрланади.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари ва тиббиёт техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан сертификатланиб чиқарилаётган ушбу дори маҳсулотлари корхонанинг етак-

чи мутахассислари изланишлари оқибатида табиий ва сифатли тарзда тайёрланади.

— Дастлаб, хом ашё синчковлик билан текширилгандан сўнг ишлаб чиқаришга рухсат берамиз, — дейди лаборатория бошлиғи Асалат Искандарова. — Маҳсулотларимиз сертификатланган. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, корхонамизда ишлаб чиқарилаётган дори воситалари аввало экологик тоза ҳамда табиий гиёҳлардан тайёрланади.

Ҳозирда Кимё илмий текшириш институти билан ҳамкорликда 3 хилдаги — қўшайли, малинанинг парашетамол билан аралашган ҳамда шотутнинг дўлана настойкаси билан аралашган сироплари тайёрланиб истеъмолга чиқарилмоқда.

Асаб тизими, юрак қон-томир, гипертоник касалликларда тинчлантирувчи дори воситаси ҳисобланган арслонқўйруқ настойкаси, радикулит, миозит касалликларида фойда берувчи аччиқ қалампир настойкаси

қон айланиш тизими, мия ва юракка фойдали дўлана настойкаси, тоғ жамбули экстракти, мой чечак, атиргулдан тайёрланган косметик глицеринлар, фенсул қал суртма дорилари ўзининг сифати, тайёрланиш жараёни билан бошқалардан

ажралиб туради. Шунингдек, корхонада ишлаб чиқарилаётган 7 турдаги суртма дорилар, ҳамда «Шарқ-табиби» доривор бальзами ҳам ўзининг шифобахшлиги билан беморлар дардига даво бўлмоқда.

Айни пайтда корхона мутахассислари томи дори воситалари, суртма дориларнинг янги турлари устида иш олиб бормоқдалар. Ўйлашимизки, Ўзбекистон бозорига ўз ўрнига эга бўлган корхона маҳсулотлари келгусида дунё бозорига чиқиши тайин.

Орзуғул РУСТАМОВА
СУРАТЛАРДА: корхона иш жараёнидан намуналар.

ланиши лозимлиги белгиланганлиги ҳаммамизни беҳад хурсанд қилди. Зарарнинг эса мансабдор шахс томонидан қоплашнининг йўлга қўйилиши уларнинг масъулиятини, шак-шубҳасиз минг чандон оширади.

Яширининг ҳождати йўқ, шу пайтгача бирон-бир тадбиркор билан суҳбатлашиб, фикрлашсангиз у турли текширувлар, тафтишлардан тўйиб кетганлигини алоҳида таъкидларди. Сабаби, битта корхонага текширув келса, ишлаб чиқариш жараёнига қанчалик салбий таъсир кўрсатарди, неча қўлаб иш фаолияти ҳам тўхтаб қўйиларди.

Энди эса биз ташаббус билан ислохотлар майдонига чиқшдан, кўпроқ фойда қўришдан ёки аксинча хато қилиб қўйшдан сира ҳам чўчимаймиз. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам бундан бўён ҳоқим бўшқарувчилар, назоратчи, тафтишчилар бизни беҳудуга жазолашолмайди, тадбиркорларнинг ҳақ ёки ноҳақлигини фақатгина суд ҳал қилади.

Маъмур

ФАОЛЛИКНИ
ОШИРИШ —
ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўлаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 июндаги 299-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида ўтган бир йил давомида хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, улар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни ислоҳ қилиш, янгилан жараёнларига йўналиштириш, жамият ва давлат қўрилишида уларнинг ролин кучайтириш борасида қўшгина амалий ишлар қилинди.

Ҳозир жойларда туман маҳаллаларидаги диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Ҳамза туманидаги «Янгибод» маҳалласида ўтказилди. Йиғилишда никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш, ислом динида аёлларнинг бўлиб ўтиши, туғма гипотероз касалликларини, никоҳ, тиббий қўриқдан ўтказишдаги янгиликлар ва ислом динида аёлларнинг ўрни мавзуларида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингиланди. Бундан ташқари келажак давомчилари бўлган ёшларнинг тарбияси, уларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида сўз борди.

Тадбирда кўтарилган масалалар бўйича савол-жавоблар бўлиб ўтди. Жумладан туман ФХДБ бўлими муdiri Шоҳиста Пўлатова сўзга чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли қарори бўйича соғлом оилани шакллантиришда аввало бўлғуси ота-онанинг соғломлиги муҳим ўрин тутуши, катталар аввало ўсиб келмаётган ёш йигит-қизларимизни соғлом руҳда тарбиялаш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Қолаверса, ҳозирги кунда оналар соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилишига эътиборни кучайтириш, профилактика тадбирларини мунтазам ўтказиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, бизнинг эзгу ниятимиз — келажак буюк давлат ва эркин жамият қуриш экан, бизнинг тараққиётимиз албатта соғлом авлод тарбиясига боғлиқ.

Барно ШЕРБОВА

Саҳнат

КАФЕДРА
АНСАМБЛИ

Ўзбекистон Давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси ўзининг бир нечта ансамбллариغا эга. Танбур-даторчилар ижодий гуруҳи фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилмоқда.

Моҳир созанда Турғун Алиматов саъй-ҳаракати билан ташкил топган бу ансамбль қатор истеъодли талабаларни ўз атрофига бирлаштирган. Улар ижросида тайёрланаётган концерт дастурларидан халқ куйлари, таниқли бастакорлар асарлари ҳам кенг ўрин олди.

Чолғу ва ашула уюлларидан ижро этилаётган мазкур асарлар тингловчиларга манзур бўлмоқда.

Тошкент ва Фарғона воҳаларига мансуб ашула ва чолғу йўлларига оид янги ижод намуналари ҳам тайёрланди.

МАРКАЗНИНГ
ЖЎШҚИН
ФАОЛИЯТИ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган "Хамар" ижодий марказининг уюшмалари кўпайиб қолди. Унинг ижодий гуруҳи халқаро кўргазмаларини безатишда иштирок этаётган турли кино ва фотоматериалларни тайёрлаш билан ҳам яқиндан шўғулланмоқда.

Видео-роликлар, мультфильмлар яратиш борасида ҳам бой тажрибалар орттирилмоқда. Янги суратга олинган мультфильм яқинда Японияда ташкил этилган "Экспо-2005" халқаро кўргазмасида намойиш қилинди.

Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар, малали ҳаёт лавҳалари унда ўз аксини топти.

Марказий Осиёнинг замонавий фотосуратлари номинацияси бўйича тайёрланган фотоальбом нашри ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.


МАДАНИЯТ
КУНЛАРИ
ДОИРАСИДА

Таниқли поляк ёзувчиси Тадеуш Ружевичининг "Каро-тека" асари ўзининг сахнавий талқинини топти. Ўзбекистонда Польша маданияти кунлари муносабати билан постановка қилинган бу театрлаштирилган томоша пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида намойиш қилинди.

Ўзбекистон Бадний академияси ҳамда Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси саъй-ҳаракати билан сахна юзини кўрган бу томошани постановка қилишда ўзбекистонлик театр санъати усталари ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Республикада хизмат кўрсатган артистлардан Бахтиёр Зокиров, Жалол Юсупов ва бошқалар ижро этган роллар томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Акбар АЛИЕВ



14
O'ZBEKISTON

Президентимиз томонидан жорий йилнинг Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши тез ва қисқа фурсатларда спорт-соғломлаштириш иншоотлари қурилиши, замонавий қулайликларга эга даволаш-профилактика бинолари бунёд этилиши учун ўзига хос имкониятлар эшигини очиб берди. Зеро, халқнинг соғлиги, миллат генофондининг мустаҳкам бўлиши ана шу хайрли ишларнинг кутлуг самарасига боғлиқ.

2005 — Сихат — саломатлик йили

ЯНГИ ДАВОЛАШ —
СОҒЛОМЛАШТИРИШ
МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ

Куни кеча Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида яна бир йирик соғломлаштириш мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Аввало, мазкур иншоотнинг қурилиш тарихи ҳақида икки оғиз сўз. Гап шундаки, дастлаб ушбу бино ўтган асрнинг 80-йилларида Тошкент кабел заводи учун ажратилган эди. 1999 йилнинг ўрталарида уни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўз тасарруфига олди. Режага кўра бу ерда янги даволаш мажмуаси қурилиши мўлжалланди. Дастлаб ўлда-жўлда бошланган ишлар кейинчалик анча юришиб кетди. Карвонда норинг бўлса юкинган ерда қолмайди, деганларидек, бу хайрли юмушларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам ёрдам кўрсатилди. Ҳозир бу ерда 158 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари ўз якунига етган. Бинонинг замон талаблари даражасида қад ростлашда ҳомий ташкилотлар, соҳаватли юртдошларимиз ҳам қўлларидан келган ёрдамларини аяшмади.

Эндиликда туманининг "Олимплар", Файзулла Хўжаев ҳамда шу ҳудудга яқин маҳаллаларида истиқомат қилувчи етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ёшу кексаси мажмуада яратилган имкониятлардан баҳраманд бўлиши, соғлиқларини тиклаши, спортнинг истаган тури билан бемалол шўғулланиш имконига эга бўлди.

— Бугунги кун маҳалладошларимиз ҳаётида унутилмас бўлиб қолади, — дейди "Олимплар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулла Нигматов. — Негаки, 500 ўринга мўлжалланган бундай улкан даволаш-соғломлаштириш мажмуасида ёшу кексаларимиз бўш вақтларини мазмули-мароқли ўтказишлари баробарида, мажмуанинг 1-2 қаватларидаги даволаш профилактика хизматидан, 3 қаватдаги станционер муолажаларидан фойдаланадилар.

— Уч йилдан, буён бод касаллиги билан оғрийман, — дейди биз билан суҳбатда меҳнат фахрийси М.Иброҳимов. — Энди ўз маҳаллаларимизда ҳам соғломлаштириш мажмуаси фаолият бошлаганидан қувончи чексиз. Мухими энди шаҳар марказидаги касалхоналарга мурожаат қилишга эҳтиёж қолмади.

Мазкур даволаш-соғломлаштириш мажмуаси қурилишида давлат ташкилотлари билан бир қаторда "Туронмарказқурилиш" қурилиш ташкилоти, "Одил" ва "Узэлектротаймир" масъулияти чекланган жамиятларининг ҳам ўз улуши борлигини таъкидлаш жоиз.

Шуни айтиш керакки, аҳоли зич яшайдиган Мирзо Улуғбек туманида янги соғломлаштириш мажмуасининг очилиши туман маҳаллалари аҳолиси ва Давлат солиқ қўмитаси ходимлари учун Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрамига муносиб тўхфа бўлди.

Янги даволаш-соғломлаштириш мажмуасининг очилиш тантаналарида Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ОЛИМАЛАР АНЖУМАНИ

Тошкент Давлат аграр университетиде мамлакатимизда фан ва техника тараққиётини жадаллаштиришда олимпиадаларнинг ўрнига бағишланган икки кунлик илмий-амалий анжуман бошланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази, Фанлар академияси, "Олима" аёллар уюшмаси каби муассасалар ҳамкорликда ташкил этди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, «Олима» аёллар уюшмаси раиси С.Рашидова юртимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг оила ва давлат қурилишидаги ролини янада юксалтириш, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланишига кенг эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Оила, Аёллар, Оналар ва болалар, Соғлом авлод, Сихат-саломатлик йиллари муносабати билан ишлаб чиқилган давлат дастурларида аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъодлини намоён этишига кўмаклашиш устувор вазифа этиб белгиланганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ҳозир юртимиз илм-фан ва маърифат

даргоҳларида ишлаётган илмий ходимларнинг қарийб қирқ фоизи, шу жумладан фан докторларининг ўн олти, фан номзодларининг ўттиз уч фоизи олималар улушига тўғри келади.

Улар давлат илмий-техникавий дастурлари ва халқаро илмий грантлар бўйича белгиланган вазифаларни бажариш, илм-фан ютуқларини халқ ҳўжалигининг турли тармоқларига жорий этиш, техника тараққиётини жадаллаштириш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш йўлида фаол меҳнат қилаётирлар.

Олималаримиз илмий-тадқиқот ишлари билан чекланиб қолмасдан, кенг аҳоли қатлами, айниқса, хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий, маданий ишлар кўламини кенгайтиришда ҳам жонбозлик кўрсатаётир. Гендер муаммоларини илмий-ижтимоий жиҳатдан тадқиқ қилишни чуқурлаштириш, оиналар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, жамиятимиздаги ислохотлар жараёнига хотин-қизларни жалб этишни қучайтириш жараёнида фаол иштирок этипти.

Аъло ҳулқи, ўқиш ва жамоат ишла-



СУРАТЛАРДА: мажмуанинг очилиш маросимидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

радаги ютуқлари билан тенгдошларига ибрат бўлаётган, миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга астойдил интилаётган қизларнинг муваффақиятларини муносиб тақдирлаш мақсадида Зулфия номидаги давлат мукофотининг таъсис этилиши ёшлар ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ҳозиргача ўттиз бир нафар қиз бу мукофот билан айнан фан ва таълим соҳасидаги изланишлари учун тақдирланган.

Анжуманда ҳозирги шиддатли давр бошқа соҳа вакиллари қатори олима аёллар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкляётгани, улар ўз илмий-тадқиқот фаолиятлари билан бир қаторда ёшлар тарбияси билан боғлиқ ишлар мазмунини янада чуқурлаштириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар орасида маънавий-маърифий тарғибот ишларини янада қучайтиришни тақозо этаётгани алоҳида таъкидланди.

Хотин-қизлар фаоллигини ошириш - демократик жараёнларни чуқурлаштириш омили, бозор муносабатлари шароитида илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, юртимизда ижтимоий фанлар ривожига аёллар масалаларини ўрганишда олима аёлларнинг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Анжуманининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Б.ХИДРОВА,
ЎЗА муҳбири

Мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада эркинлаштириш устувор вазифалардан бири қилиб белгиланган. Иқтисодийни эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш иқтисодий ўсишнинг узлуқсизлигини таъминлаш ҳамда шунинг асосида аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Тадбиркор ўз фаолиятини бошлар экан, аввало унга суянч, шунинг баробарида кўзлаган мақсадига эришиш, гоёсини амалга ошириш йўлида учраган айрим тўсиқ ва ғовларни енгишда, тўғри йўлдан оғишмай меҳнат қилишда таянч керак бўлади.

Наташларда

ҲАРАКАТЛАР БЕСАМАР КЕТМАЙДИ

Маълумки, ўтган йилда Президентимизнинг "Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниб, унга кўра палата фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари белгиланган эди. Ана шу йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини қай тарзда ундаётганлигини ҳамда тадбиркорларга айтиш кўндалда яратилаётган имтиёз ва кафолатларга муносабатини билдириб Республика Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Учтепа филиали раҳбари Саидвали САИДУМАРОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг мамлакат иқтисодиёти ривожидида катта аҳамиятини эътироф этган ҳолда ана шу соҳа ривожига ҳисса қўшишга астойдил бел болаганмиз. Жумладан, юқоридаги Фармондан кўзланган асосий мақсад ҳам юртимизда хусусий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш, бизнес муҳитни тақомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустақамлаш, маҳаллий товар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таъминлаш учун янги корхоналарни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун республикага заҳат эл сармоясини кенг жалб этишдир.

Ўтган давр мобайнида филиалимиз ходимлари тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муаммоларини биргаликда ҳал этиш, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш, эндигина иш бошлаётган ишбилармонларга маддадор бўлиш ва бошқа масалаларда ёрдамга ҳамиша шай турди, ҳар бир мурожаат ёки маслаҳат билан келган тадбиркор эътиборда бўлди. Ҳозирда туманимизда 5 мингтага яқин тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатиб, шулардан 1272 таси юридик шахс бўлса, 3,5 мингдан ортиги жисмоний шахслар бўлиб, улар бир эзгу мақсад, яъни туман иқтисодиётини юксалтириш йўлида меҳнат қилишмоқда. Жорий йилининг ўтган ярмида туманда 149 та юридик ва 464 та аққа тартибдаги тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтганилиги ҳам сафларимиз ортиб бораётганидан далолатдир.

— **Мана шу янги очилган тадбиркорлик субъектларига қандай амалий ёрдам кўрсатилди?**

— Уларнинг рўйхатдан ўтиш ҳужжатларини тайёрлашда ёрдам бердик. Шунингдек, фаолиятларини тўғри ташкил этишлари учун туман ҳокими қарори асосида тадбиркорлар учун 12-16 соатлик ўқув дастури ишлаб чиқилган. Ана шу дастур асосида қўллаб тадбиркорлар бепул ўқитилмоқда. Энг асосийси, қоронғилигимиз асосида иш бошлаган аққа тартибдаги тадбиркор кейинчалик юридик шахс мақомини олиб, ўз фаолиятини кенгайтирмоқда, ўзлари яшаётган маҳаллалардаги аҳолини иш билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

— **Тумандаги тадбиркорларга бугунги кунда қандай ёрдам керак, ривожланишларида нималар тўсиқ бўляпти, улар нималарга муҳтож? Ана шу масалалар қандай ўрганилади ва ҳал этиш йўллари борми?**

— Жорий йилда тадбиркорларимиз билан турли соҳа ходимларини жалб этган ҳолда семинар, анжуман ва мулоқотларимиз режа асосида бир неча марта қўйлатилди. Ва энг муҳими туманимизда саноатчилар ва тадбиркорлар форуми ўтказилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари эшитилди, муаммолари ўртага ташланди, тақлифлари эса умумлаштирилиб Республика Савдо-саноат палатасига топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, ҳар бир тадбиркорнинг иш бошлаши, биз билан ҳамкорлик қилиши, ишдаги муваффақиятлари бизнинг ҳам ютуғимиз, кўзлаган ниятимизнинг ижобати. Шу боис ҳам ходимларимиз ҳар бир мурожаатни эринмай ўрганади, керак бўлса республика, шаҳар палатаси, шаҳар Адлия бошқармаси, Адлия вазирлиги орқали масалани ҳал этишга уринамиз, суд жараёнларига катнашамиз. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсам, палатага "Шахло

— Муқаддас" масъулияти чекланган жамияти раҳбари мурожаат қилиб, ўзи яшаётган кўп қаватли уйда қонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишини, лекин уй-жой мулкдорлари ширкати билан тузилган шартномадаги ноҳақликлар ҳақида айтган. Ҳозирда ушбу масалани шаҳар суди орқали тадбиркорни ҳимоя қилган ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилаёلمиз. Энг муҳими, тадбиркорнинг ўз ишига ноқонуний тўсиқлар орқали иштиёқи сўнамасин, ҳафсаласи пир бўлмасин.

— **Шу ўринда ўзингиз энг муҳим саволимизга келиб тўхтадингиз. Хабарингиз бор, яқинда Президентимизнинг тадбиркорлик соҳасига оид Қарори ва қатор Фармонлари чиқди. Шу ҳақдаги фикрларингиз.**

— Тадбиркорлик ҳам омад, ҳам сермашаққат меҳнат. Ўзидан орттириб, элимни ҳам тўйдирай, халқимни бой қилай, юртимни жаҳонга танитай деган асл ниятли тадбиркорни фақат алқаш, қувватлаш лозим. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлиқнинг ўзи бўлмайди, ҳақиқий тадбиркор кечаю кундуз тиним билмайди, унда бўш вақтнинг ўзи йўқ. У йўқни йўндиради, бори эса баракали қилади. Шу боис ҳам юқоридаги ҳужжатлар тадбиркорларга қуч-қувват бағишлагани, илҳомлантиргани ҳақиқат. Буни ҳар кун тадбиркорлар билан мулоқотда бўлар эканмиз яққол ғувоҳи бўлдик.

Биргина "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонни олиб қарайдиган бўлсак, давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектларига ўзбошимчалик билан аралашувига чек қўяди. Яна бир муҳим аҳамиятли томонини айтадиган бўлсак, ҳақамлар судининг ташкил этилиши ҳукуматнинг ҳўҳалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларига аралашувини ҳескин қамайтиради. Муҳокамда ҳолислик ва ҳаққонийлик янада яққол акс этади, деган умиддамиз.

Яна айтадиган бўлсам ушбу Фармонлар ва Қарор нафақат тадбиркорлар, балки барча учун фойдали. Чунки тадбиркорлик субъектларининг шу тариқа қўллаб-қувватланиши, уларга берилган имтиёз ва кафолат халқ турмуш даражасининг ортишига, қўшимча ишчи ўринлари яратилишига, фуқаролар даромадларининг кўпайишига ижобий таъсир этади. Бир сўз билан айтганда, энди тадбиркор аянам унумли ишлаши, очилган имкониятлар эшигидан дадил қадам ташлаши керак.

— **Фармонлар ва Қарорнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниб, ўз фаолиятида аниқ татиқ этиш учун аввало уни англамоқ лозим. Бу борада қандай тадбирлар режалаштирилган?**

— Фармонлар ва Қарор мазмун-моҳиятини ҳар бир тадбиркорга тўғри аниқлаш, бунинг натижа-сида ўз фаолиятларининг самарадорлигини ошириш учун бир қатор семинар ва анжуманлар ўтказишни режалашганмиз. Уларда иштирок этган тадбиркорлар керакли соҳа вакиллари билан ўз саволларига батафсил жавоблар оладилар.

— **Туманда ўз ўрнига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари хусусида ҳам айтиб ўтсангиз.**

— Кўзга кўринган тадбиркорларимиз, уларнинг қилаётган ишлари ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Юмшқ мебеллар ишлаб чиқариб, сифати билан харидорни жалб этаётган "Ўзқайнак" қўшма корхонаси, ҳар бир хонадонга рақобатбардош товарлари билан кириб бораётган "Офис Трейднинг" хусусий корхонаси, импорт ўрнини босувчи लोक-бўёқ маҳсулотлари тайёрлаётган "Нут-оксбор" қўшма корхонаси, шунингдек, "Тальяна", "Фармед", "Хамдам-Афзал", "Насиба-Тоҳир" хусусий фирмалари, хусусий тадбиркорлар Д.Исмаилов, Е.Асқаровалари алоҳида таъкидлаш лозим.

Уларнинг сафини янада кенгайтириш учун эса мавжуд имкониятлар ишга солиниши баробарида жиддий саёй-ҳаракатларимиз ҳам давом этмоқда. Мамлакатимизда 2007 йилгача кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг янги ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушини 45 фоизга етказишга кўзлаган экан, уларнинг ривожини учун сарфланган ҳар бир саёй-ҳаракатимиз бесамар кетмаслигига астойдил ҳаракат қиламиз.

Сухбатдош Шарифа ИЛЁСОВА



ТАДБИРКОР

Муносабат

БОШИМИЗ КЎККА ЕТДИ

Шуқурулла ФАЙЗУЛЛАЕВ, "NONASH" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Тадбиркор учун уни қўллаб-қувватлаш, яхши ишларида суянч бўлиш, олдидида тўсиқларни бар-тараф этишда қўмаклашиш жуда катта мадд бўлади. Бундай қўмакдан кўнгил кўтарилган ҳар қандай тадбиркор ишончли оқлашга, кўзлаган мақсад-ди йўлида тинмай ҳаракат қилишга интилади.

Бу борада Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг жуда катта аҳамиятини бугун барча сафдошларимиз эътироф этишмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик соҳасига оид бирин-кетин эълон қилинган Фармонлар ва Қарор соҳа ходимлари кўнгилни тоғдек кўтарди. Улар билан танишиб чиққан ҳамкасбларим билан суҳбатлашар эканман "Ана энди ишлайдиган вақт келди, айти керакли Фармонлар чиқарилиди" дея мамнун бўли-шгаётганимиз ғувоҳи бўлдим.

"ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА..."

Аъзам МИРЗАУЛҲОВ, хусусий тадбиркор: — Халқимизда "Қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди", деган аҳойиб бир нақл бор. Буни

ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Гўзаллик ярата билиш учун, аввало гўзаллиқни тушуниш, уни дилдан англаш лозим. Ана шун-дагина яратган нарсаларингиз дилларини завқлантиради, ўзингизга эса илҳом манбаи бўлади.

Худди шундай гўзаллиқнинг но-зиктаб яратувчилари бугунги кун-да "Азиза Сайфи қизи" хусусий кор-хонасида ўз меҳнатлари билан ми-жозларини мамнун этмоқда, ижодий изланишлари боис эса бозорда ўрин эгалламоқда. Бунинг учун эса тадбиркор аёл, ташаббускор ва та-лабчан раҳбар Азиза Ғуломова ти-нини билмайди, изланади ва имкон топади.

— Энг асосийси ходимларни тўғри танладиганим, улар жамоа ривожини учун меҳнат қилишгаптими, демак шарт-шароити қўлайлиги ҳам, моддий ва маънавий рағбат-лантириш ҳам ана шунга яраша бўлиши лозим, — дейди Азиза Ғуло-мова. — Бизда асосан хотин-қиз чеварлар меҳнат қилганлиги боис ҳар уларга қўлайлигини назарда ту-тиб кўнра ишлашини ташкил эт-ганмиз. Бу уларнинг оилалари, фарзанд тарбияси учун ҳам ниҳо-тида муҳимдир. Шунингдек, ўтган йилда цехларимизни кенгайтириб, таъмирлашга муваффақ бўлдик. Миқозларимизга ва моделер-ди-зайнерларимизга қўлайлик ҳам яра-тилди. Энг муҳими эса замонавий

Акциядорлик жамиятларида

ЯХШИ НИЯТ ИШ БАРОРИДА ЙЎЛДОШ БЎЛАДИ

Аҳоли дастурхонига иссиқ ва бўрсилдоқ нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш, айниқса ёзнинг жазирама кунларидан икки ҳисса меҳнат ҳамда шунга яраша масъулият талаб этади. Бунинг устига маҳсулотни сифатли ва санитария ҳолат-ларига амал қилган ҳолда харидорларга етказиш ҳам борки, ана шунда меҳнат-нинг қадри яна бир бор намоён бўлади.

Бугунги кунда пойтахт ақли дастурхо-нига тўқимли ва мазмун нон ва қандолат маҳсулотлари етказиб беришда «Сағбон нон» акциядорлик жамиятининг алоҳида ўрни бор. 100 нафардан зиёд ишчи-хиз-матчининг самарали меҳнатлари аввало бир нарсга — сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, харидор талабини қондириш-га қаратилган. Бунинг учун эса кечаю кундуз меҳнат қилмоқ лозим. Кунига 12 тоннадан зиёд маҳсулотни дастгоҳлар унумдорлиги ҳамда қувватидан фойдала-ниб, новвойлик маҳоратини кўрсатиб

аҳоли дастурхонини тўқинлиги учун тайёр-лаб беришнинг ўзи бўлмайди ахир.

— Нон — азий неъмат ҳисобланади, буни ҳеч ким инкор эта олмайди, — дей-ди корхона раҳбари Шоҳида Султонова. — Шу боис ҳам ишлаб чиқарувчи ҳам, истеъмол қилувчи ҳам мана шу бебаҳо неъматнинг қадрига етса, у ҳеч қачон ис-роф бўлмайди, меҳнатимиз зое кетмайди. Биз нафақат сифатли маҳсулот тайёрлаш-ни, балки уни аҳолига талаблар даража-сида етказиб беришни ҳам ҳамиша ёли-мизда тутамиз. Бунинг учун махсус жи-

ҳозланган, нонларимизни сифатли дара-жаси билан жойлардаги савдо шохобчала-рига етказиб берадиган транспорт воси-таларимиз мавжуд. Шунингдек, ўтган йил-дан бошлаб пойтахт туманларида фирма дўконларимиз фаолиятини йўлга қўйдик. Ҳозирда 5 та ана шундай дўкон иш юри-тиб, бу харидорларга қўлайлик яратди. Аҳолига мана шу дўконлар орқали маҳсу-лотларимизни сифатли етказиб бериш ба-робарида қўшимча 10 та ишчи ўринлари ҳам яратдик.

Тадбиркорлар кунига пойтахтимиздаги 200 дан зиёд савдо шохобчаларига нон ва нон маҳсулотлари етказиб берад экан, юзлаб оилалар дастурхонининг тўқинли-гини таъминлайдилар. Лаборатория хо-димлари эса ҳар бир маҳсулотнинг давлат стандарти талаблари даражасида бўлиши устида изланадилар. Ҳозирги кунда 25 тур-даги нон ва нон маҳсулотлари ҳамда 5 хил қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқа-рилмоқда. Кунини кеча эса яна бир янги маҳсулот — тешиққулча тайёрлана бош-лади. Айниқса, тадбиркорларнинг ресурс-

лардан тежамкорлик билан оқилона фой-даланаётгани ҳам ўз самарасини бериб, бу иқтисод жамоа аҳлининг моддий ман-фаатдорлигини оширишда катта ҳисса бўлмоқда.

Шунингдек, корхонада ноннинг сало-матлик учун фойдали, яъни парҳез турла-рини ишлаб чиқаришга ҳам эътибор бе-рилмоқда. Ушбу маҳсулотлар турли ка-салликларда беморларга шифобахшлиги билан дармон бўлади. Макарон маҳсулот-лари ишлаб чиқарадиган дастгоҳ ўрнатиш ва бир неча турдаги ана шундай махсу-лотни тайёрлаш ҳам кўзда тутилмоқда. Бир сўз билан айтганда, азиз неъмат яратув-чилари меҳнатлари билан эъзоз топинши астойдил ният қилишган. Зеро яхши ния-ти йўлдошларнинг ишлари ҳамиша баро-ридан келади.

Шарофат БАҲРОМОВА

СУРАТЛАРДА: нон ясовчи Холида Жўраевнинг меҳнатлари маҳсули; фирма дўқони сотувчиси Ақид Розикова ва техно-лог Муъсар Қайумова.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Сўраш, жавоб берамиз

Тадбиркорлик субъектла-рида текшириш ўтказилади-ган бўлса, тадбиркор қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади?

Низом ОДИЛОВ, хусусий корхона раҳбари:

— Аввало шунини айтиб ўтиш лозимки, ҳар бир тадбиркорнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини би-лиши ва унга тўла амал қилиши ўзи ҳамда ишлаб чиқариши риво-жиди катта аҳамият касб этади.

Шу боис ҳам тадбиркор ўз фаолияти текширилиши тўриси-

даги ахборотга эга бўлиш, назо-рат қилувчи органларнинг тек-ширувчи мансабдор шахслари-дан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, тек-ширувчиларнинг шахсини тас-диқловчи ҳужжатлар билан тани-шиш, текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик, назорат қилувчи органларнинг текширувчи ман-сабдор шахсларнинг ваколатига қиймайдиган масалаларга оид талабларини бажармаслик ва тек-шириш предметиға тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик, назо-

рат қилувчи органларнинг тек-ширувчи мансабдор шахслари-дан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун мuddат ичида текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳуж-жатнинг бир нусхасини олиш, қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш ҳуқуқларига эга эканлигини унутмаслиги лозим.

Шунинг баробарида тадбир-кор текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтқа-зиш учун зарур бўлган матери-аллар ва ҳужжатларни тақдим этиш, уларни текшириш объек-тларига қиритиш, текширувчилар-га ўз вазифаларини бажаришлар-ни учун қўмаклашиш сингари мажбуриятларга ҳам амал қил-моғи керак.

Бўш вақтингизда

СЎЗАА ТУРИШ — МАРАНИНГ ИШИ

Кимгадир бирор нарсани ваъда қилиб, уни бажармаслик, яъни сўзда турмаслик ўша кишига нисбатан ишончсизлик пайдо қилади. Сиз тадбиркор раҳбарсиз. Ходимларин-гизга сўз берсангиз, уни бажаришни ҳам ундайлaysизми? Қуйидаги саволларга дилин-гиздан чиқариб тўғри жавоб берсангиз, бунин албатта, билиб оласиз.

1. Бирор қарорга келган бўлсангиз, уни ба-жаришни шарт деб ўйлайсизми?

а) Албатта (2).

б) Шароитга қарайман (1).

в) Мен машина эмасман-ку(0).

2. Қаттиққўл раҳбаргина жамоани кўн-дагидек ишлатади.

а) Жуда тўғри, тартиб-интизом биринчи ўринда (2).

б) Ижодий ишда бунга зарурат йўқ (0).

в) Бўлар-бўлмаста талаб қилавермаслик ке-рак (1).

3. Мени биланлар ишончли одам экан-лигини тан олишларини истайман.

а) Албатта (2).

б) Шарт эмас (0).

в) Балки (1).

4. Ҳамама ҳам ўз имкониятларини етарли билмайди, лекин менга ишонш мумкин.

а) Жуда тўғри (2).

б) Умид қилсангиз бўлади (1).

в) Ундай дея олмайман (0).

5. Менга қўл-қулоқ бўлиб туришмаса, жуф-такни ростлаб қоламан.

а) Жуда тўғри (0).

б) Бир нарса деёлмайман (1).

в) Ҳеч қачон (2).

6. Катта ишларни майда-чуйда юмушлар-да ҳам ишончли оқламаган одамга буюриб бўларканми?

а) Шундай бўлиши аниқ (2).

б) Одамлардан ҳар нарса қутса бўлади (0).

в) Баъзан шундай бўлиб туради (1).

7. Аваддан белгиланган режаларини ҳеч қачон бажармайман.

а) Вазият ҳар хил бўлади (0).

б) Режага риоя этаман (1).

в) Бир қўлипда ишламайман (2).

8. Бироега ваъда бердимми, устидан ала-



Қажақа

БУ — МЕНИНГ СИРИМ

- Дўконда кўнгирак қилишди.
- Сизларда синка борми?
- Бор.
- Қанақа рангдагиси?

— Бу йил битта йўлланма билан бутун оила бўлиб дам олди.

— Йўғ-э, қандай қилиб?

— Санаторийга битта йўлланма сотиб олдиқ-да, қайнонамни жўнатиб юбордик.

Жуда катта тухум қилган товуқдан интервьё олинмакда:

— Қандай қилиб бундай муваффақиятга эришдингиз?

— Бу менинг кичкинагина аёллик сири.

— Келгуси режаларингиз қандай?

— Бу менинг кичик аёллик сири.

Хўроз билан суҳбат.

— Келгуси режаларингиз...

— Тўяқушнинг тумшугига тушириш.

КЎПРИК

— Менга қаранг, ярим соатдан бери гўшани ушлаб турибсиз-у, лекин гаплашмаясиз. Келинг, мен кўнгирак қилиб олай!

— Халақит берманг, мен хотиним билан гаплашяпман.

— Мени табрикласанг бўлади, дўстим, кеча кечқурун ўғилчаллик бўлдим.

— Чин юракдан табриклайман, хотининг ҳам жуда хурсанддир?

— Бундан хотинимнинг хаба-ри йўқ...

Шерлок Холмс ва Ватсон овга боришибди. Кечаси машҳур изкувар уйғониб, шеригига дебди:

— Ватсон, омондаги юлдузлар сизга ҳеч нарсани аңлатма-яптими?

— Менимча, эртага ҳаво очик бўлади.

— Назаримда, ҳодиримизни ўмариб кетишган кўринади.

КУЛГАН ҚАРИМАС

Она кизига деди:

— Агар сен ўшанга турмушга чиқадиган бўлсанг, мен ҳеч қачон уйланинганга бормайман.

— О, онажон! — деб житоб қилди киз.

— Шўшмай туринг ёзиб олай. Пьер бу гапини гизни эшитганидан сўнг албатта уйланади.

Талаба ўғил отасига хат ёзибди.

— Азизим, — дейди хотин эрига.

— Ўғлимиз нималарни ёзганини ўқиб берайми?

— Керак эмас, — дейди эр.

— Қана пул сарфлаганини айтсанг бўлгани.

— Турмайсанми, Жак, ахир хўроз ўш марта қичқирди-ку.

— Менга нима аҳамияти бор, ахир мен товук эмасман-ку.

Бир қўшни иккинчисига шикоят қилди:

— Ўғилгиз менга тош отди.

— Тегдими?

— Йўқ, ўзимни бир чеккага олиб қолдим.

— Унда у менинг ўғлим эмас.

— Тежамкорлигимга энди қойил қоларсиз, дадаси — деди бир куни хотини Хасисхўжага.

— Ўзимнинг эски қўйлагимдан сизга гап-сўз тикиб қўйдим.

— Ҳ-э, мўлгал қойил эмасман. Тежамкорлигингга қачон тан беришим мумкинлигини айттайми?

— Айтинг-чи?

— Менинг эски галстугимдан ўзингга қўйлақ тикиб олгангизда.

— Хузурхонов акамларгами? У киши бандлар. Чоршанба куни қабул қиладилар. Навбатга ёзилиб қўйинг.

— Мен унинг отасиман.

— Ие, шунақами?... Танимаб-миз-а, узр. Унда бўлса чоршанба куни келаверинг, навбатсиз киритиб юборамиз.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 3-бизнес мактаби томонидан Ўтбасорова Дилноза Эркиновна номига 2002 йилда берилган №001518 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКБОР ҚИЛИНАДИ

АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ — МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ГУЛТОЖИ

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос хусусиятлардан бири. Шу маънода мустақил Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳаётидаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик ишлар амалга оширилмоқда.

Аёлларимизга умумхалқ ҳурматининг ёрқин ифодаси «Аёллар йили» (1991 йил) ва «Оналар ва болалар йили» (2001 йил) нишонланишида ўз аксини топди. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ вазифалар кўрсатиб ўтилган. Зеро, аёлни ардоқлаётган юрт бахтиёр, аёли қадрланган мамлакат эса барқарордир.

Мамлакатимиз даврий матбуоти, телевидение ва радио дастурларидаги хотин-қизларимизнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, фарзанд тарбияси, оила тотувлиги масалаларига бағишланаётган қўлдан-қўл материаллар, кўрсатув ва эшиттиришларни қизиқиш ўқиймиз ва тинглаймиз. Танқиди адиб ва журналистларнинг янги китобларини катта қизиқиш билан мулолаа қиламиз.

Шу ўринда икки китоб ҳақида дилимдаги ўйлар билан ўртоқлашмоқчиман. Севимли

шоирамиз Турсуной Содикованинг «Яшаш тилсими» китоби кўплар қатори менда ҳам катта таассурот қолдирди. Муаллифнинг бундан олдинги «Меҳр қолур» ва «Ҳазрати аёл» китобларини ҳам севиб ўқиганмиз.

«Яшаш тилсими» китобида аёл вафси шундай таърифланадики, бундай ибораларни ён дафтаримга жон деб ёзиб қўйдим: «Ўзим шу тоифадан бўлсамда, аёл иқлимини ҳайрат билан қузатаман. Аллоҳнинг бетакорор мўъжизаси у!.. Йил фасллари фақат тўртта, аёлнинг эса минг битта фасли бор. Уни буткул тушуниб етган одам йўқ бу дунёда... Аёлни тушунишнинг ўзи бир илм. Бу илмга етишганлар қанча кўпайса, бахтли аёллар сони шунча кўпаяжадир».

Адиба китобни «Яшаш тилсими» деб бежиз номламаганини саҳифама-саҳифа ўқиб икор бўласиз. Чиндан аёл — оила тебратувчиси, эрининг суяниги, фарзанднинг меҳрибони деб таърифланади. «У, — дейилади китобда, — бирламчи миллатпарвардир. Чунки аёл миллатнинг сифат белгисини белгилайди». Яна бир таърифда қўйидаги сўзларни ўқиймиз: «Оила, рўзгор муқаддас ўқув хонадир. Гоҳида эр — устоз, аёл — шогирд,

гоҳида аёл — устоз, эр — шогирд. Ва бу умининг охиригача давом этажадир».

Турмуш қувончу орзу-умидларига, қолаверса баъзидаги ташвишига эътибор қаратиб, аёллигимизни бир зум бўлса-да унутмайлик! — Ҳар куни шундай ният билан ишга отланаман. Ахир, ён-веримизда ҳар бир касбда моҳир, жон фидо хотин-қизлар ишламоқда! Уларнинг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Уларнинг айримларига «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиши мустақил диёри-мизда аёлни чинакам қадрлашни ва эъзозлашнининг ҳақиқий исботидир.

Шунингдек, ёзувчи Юсуф Бердиевнинг «Сиз ҳамиша муқаррамсиз» китобида шундай эъзозга сазовор инсонлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини олган муаллима Мавлуда Исматова, шифокорлар — Ойшахон Қўчқорова билан Онесия Саитова, зардуш — Муяссар Темирова, тўқувчи — Марфия Раҳматовани ким танимайди, дейсиз? Уларнинг ҳар бири адолатпарвар, қомил фарзандларнинг онаси, эл-юрт манфаати йўлида заҳматкаш инсон. Уларни ҳар қадамда эъзозласак арзийди. Китобни ўқиб бўлгач, шундай ҳулосага келдим.

Жамиятимизда хотин-қизлар қадр топиб, эъзозланмоқда. Бу — истиқлолнинг шарофати, бу — миллий қадриятларимизга бўлган ҳурматимиз рамзи.

М.МАНСУРОВА,

Шайхонтоҳур туман 7-сонли Давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси



Омон бўлгин, болажоним.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

«Қамолот»

КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИЛАР

Яккасарой туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодини тарбиялашга, маҳалла ёшларини спорт билан мунтазам шугулланишга кенг жалб этиш, шунингдек, ўқувчиларнинг ёзги таътил вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида «Қамолот кубоги» турнирининг саралаш мусобақаси бўлиб ўтди.

«Яккасарой-1» маҳалласида жойлашган 100-мактабда бўлиб ўтган ушбу турнирда тумандаги 15 та маҳалланинг ёшлари иштирок этишиб, спортнинг баскетбол ва волейбол турлари бўйича ўзаро баҳс юритдилар.

Жисмоний тарбиянинг бу тури билан шугулланувчиларнинг бўйлари баланд бўлиши лозим, — дейди Юнус Ражабий маҳалласининг баскетбол жамоаси сардори Мансур Ҳасанов. — Қолаверса, қатнашчидан чакқон, зийрак, хушёр бўлиши қатъий талаб қилинади. Шу боис ёшлар тарбиясида спортнинг қайси тури бўлишидан қатъи назар ўрни муҳим деб биламан.

Ёшларимдан волейболга жуда қизиқаман, — дея суҳбатда қўшиди «Ўрикзор» маҳалласидан Шукрулло Толипов. — Шунинг учун волейбол тўғрисида доим қатнашиб келаман. Жамоамиздаги болалар ҳам мен каби спортнинг бу турини чин дилдан севганлар боис командаларнинг бу мусобақада қўли баланд келди десам адашмайман.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шунингдек, туман ёшларининг ёзги таътил вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ўтказилган ушбу «Қамолот кубоги» турнирида тумандаги «Дамарик», Муқимий, «Бошиқ» каби 15 та маҳалла орасидан ғолиблик шохсупасига кўтарилган баскетбол бўйича Юнус Ражабий маҳалласи, волейбол бўйича эса «Ўрикзор» маҳалласи жамоалари «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар ва «Қамолот кубоги» турнирининг Низомига мувофиқ шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

Шаҳно ҚОШИМОВА

Кўпчилик билиб-билмай атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўямиз. Натижада пашша, суварак, чивин, ўрин-кўрпа қандаласи ва бошқа ҳашаротларнинг тарқалишига имкони-ятлар яратиб берганимизни сезмай қоламиз.

Мутахассис оғошлантиради

«НОХУШ МЕҲМОНЛАР» ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Ўлкамизда иссиқ иқлим бошланиши билан бизнинг нохуш меҳмонларимиз: пашша, суварак, чивин, ўрин-кўрпа қандаласи ва бошқа ҳашаротлар ҳам ҳаракатлана бошлайди. Қаерда санитария-тозалик ишларига етарли эътибор берилмас экан, ўша ерда юқоридаги ҳашаротларнинг кўпайганининг гувоҳи бўламиз. Бир қатор ошқозон-ичак касалликлари ва одамга аллергия касалликларини тақриқувчи асосан пашшалар ҳисобланади. Пашшалар омондан тушмайди, биз ўз қўлимиз билан яратиб берган (қолдик озиқ-овқатлар, чиринган сабзавотлар, ҳайвонлар гўнглари ва бошқа чиқиндилар) шароит туфайли ҳаёт кечирилади ва 1 та она пашша ўзидан ҳаёти мобайнида 1 миллионгача насл қолдиради. Пашшалар қолдик озиқ-овқатлар, чиринган сабзавотлар, ҳайвонлар гўнглари ўз тухумларини қўйиб, қулай шароит бўлиши билан 5-6 кун ичида гўмбагидан учиб чиқа бошлайди. Улар бемор одамнинг озиқ-овқатлари, идиш-товокларига ва унинг нажасига қўниб, ўз елларига касаллик микроорганизмларини иллатириб олади ва яқин-атрофдаги хонадонларга учиб кириб, очик озиқ-овқатлар, меваларга қўниб, уларни ифлослантиради.

Яна бир «нохуш меҳмонимиз», бу сувараклардир. Улар ҳар хил гижжа ва аллергия касалликларининг кўзгатувиچиси ҳамдир. Сувараклар қора ва жигарранг ҳолда бўлиб, асосан кафеллар орасига, иситиш тармоқлари ён-атрофларида, хаттоки музлаткичлар резинкалари ораларига кириб қўнайди яшай бошлайдилар, улар асосан кечқурун ҳаракат қиладилар. Тўқилган нон ушоқлари билан ва оғзи очик нон идишлари ичига кириб озиқланидилар ва ўз сўлаклар билан уларни ифлослантирадилар. Шундай экан, ҳар хил нон ва бошқа маҳсулотларнинг хоналарга тўқилиб қолишига йўл қўяман. Нон ва бошқа маҳсулотларнинг усти очик ҳолда қолмасин, аксинча зич беркиладиган идиш-

ларда сақланг. Чикинди йиғилиб қолишига йўл қўйманг, уларни бўшатиб, идишларни қайноқ сув билан ювиб ташланг. Кафеллар орасидаги тиқчишларни беркитиб ташланг.

Шунингдек, ҳозирги кунда кўплаб шикоятларга сабабчи бўлаётган қонхўр ҳашаротлар — чивинлар ва ўрин-кўрпа қандаласидир. Чивинлар безгак қақирувчи Анофлес, безгак қақирмайдиган Кулекс синфига бўлиниб, бизнинг ҳудудимизда асосан безгак қақирмайдиган Кулекс турли учрайди. Улар асосан ертўладаги қўлмак сувларга, ариқ, зовурлар атрофида тўплалиб қолган қўлмак сувларга ўз тухумларини қўйиб, қўна бошлайдилар. Шундай экан, ариқ, зовурлар ва уйлар ертўлаларида қўлмак сувлар тўплалиб қолишига йўл қўйманг. Чивинлар асосан кечқурун фаол ҳаракат қилиб, одамлар тинчлигини бузади, хоналарга чивинлар учиб кирмаслиги учун майда сим тўрлар билан дераза-шиқларни беркитинг.

Ўрин-кўрпа қандаласи эса асосан ўрин-кўрпа чокларига ўз тухумларини қўйиб одам қони билан озиқланади, вақти-вақти билан ушбу ўрин-кўрпаларда қандала борлиги ҳақида гумон қилсангиз, уларни иссиқ дазмол билан дазмоллаб ташланг.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, озиқ-овқат ва мева, сабзавотларнинг устини ёлқ ҳолда сақланг, уларни яхшилаб ювиб, сўнг истеъмол қилинг. Хонадонларда чиринган озиқ-овқат, мева-сабзавотлар ва ахлатлар тўплалиб қолишига йўл қўйманг, чикинди-идишларни бўшатгандан сўнг қайноқ сув билан ювиб ташланг, янада мукамалроқ маълумот олоқчи бўлсангиз, ўзингиз яшаб турган туман дезинфекция станциясига мурожаат қилсангиз, у ерда мутахассислар сизларга керакли маълумот ва ёрдам кўрсатишади.

Карим ОРТИҚОВ,
Тошкент шаҳар Дезинфекция станцияси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоғфали шифокор

Спорт

ХАВАСКОРЛАР
БАҲС ЮРИТДИ

Шаҳримизда авторалли бўйича «Раҳбар — 2005» деб номланган Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.

Қизқарли мусобақада Тошкент шаҳри ва республикада барча вилоятларидан келган 68 нафар хаваскор спортчи—турли ташкилотлар ва фирмаларнинг раҳбарлари ўзаро баҳс юритишди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, биринчиликда шаҳримиз экипажлари билим ва маҳорат бобида рақибларидан анча устун эканликларини исботлашди. Чунончи, Темура Фахридинов ва Мухамед Тўлагановлардан иборат экипаж ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олган бўлса, иккинчи фахрли ўрин ҳам ҳамшаҳарларимиз Анатолий Верганов ва Ҳасан Отаметовларга насиб этди.

Учинчи ўринни Қашқадарё вилояти шарафини ҳимоя қилган Шамат Сагитов ва Сайдали Жалиловлар жуплиги эгаллади.

Биринчилик голиби ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

ҒОЛИБГА
МУНОСИБ
СОВҒА

Тошкент азалдан республикада энг кучли шахматчилар етишиб чиқадиган маскан сифатида маълум машҳур. Республика шахмат-шапка клубида фахрийлар ўртасида уюштирилган мамлакат чемпионати учрашувлари бунга яна бир қарра исботлади.

Чемпионат баҳсларида тўртта вилоят ва шаҳримиз фахрийлари галаба учун кураш олиб борди. Мусобақа низомига қўра қатнашчилар швейцарча усулда тўққиз тур давомида дона суриб голиби ва совриндорларни аниқлашди.

Тўққиз учрашувнинг олтиасида рақибларини енгитиб, учтасини дуранг билан якунлаган тошкентлик шахмат фахрийси Константин Малиничев Ўзбекистон чемпиони бўлди. Учинчи ўринни ҳам яна бир ҳамшаҳримиз Искандар Бекиров қўлга киритди.

К.Малиничев мамлакат чемпиони сифатида кузда Германияда фахрийлар ўртасида ўтказиладиган халқаро мусобақада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

Ўз — қўлмоқда соғ!

“КАМАЛАК — 2005” БОЛАЛАР
ФЕСТИВАЛИ

Бугунги кунда миллат эртаси бўлган ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Ана шу мақсадларни кўзлаган ҳолда ўта-



ётган Сихат-саломатлик йилида ёзги мавсумда шаҳримиздаги 25 та мактаб қошида соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил қилинди. Унда 3 ой давомида икки гуруҳга бўлинган ҳолда 5000 нафар мактаб ўқувчилари дам олишди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки “Камалак” ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийли-

гидаги 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни бирлаштириб турувчи “Камалак” болалар ташкилотининг фаолиятини янада такомиллаштириш, “Сихат-саломатлик йили”, давлат дастурини амалда бажариш, ёзги таътил мавсумида болаларнинг бўш вақтларини унумли ҳамда турғи ташкил этиш, улар орасида оммавий спорт турларини ривожлантириш мақсадида турли хил тадбирлар ўтказилмоқда. “Камалак” болалар ташкилоти сардорлари ушбу оромгоҳлардаги болаларга етакчилик қилган ҳолда турли хилдаги кўнғилочар, спорт ва интеллектуал уйинларга бош бўлишмоқда. Яқинда Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида оромгоҳларда дам олаётган болалар учун “Ёзни камолот билан” лойиҳаси доирасида “Ёзги “Камалак — 2005” болалар фестивали бўлиб ўтди.

— Фестивални ўтказишдан мақсад ёзги таътил мавсумида болажонларнинг мароқли дам олишларига ҳисса қўшиш, бўш вақтларини мазмунли ва қизиқарли ўтказишдан иборатдир, — дейди биз билан суҳбатда “Камалак” болалар ташкилоти раиси Гулчехра Олимжонова. — Тадбирга мактаб



қошидаги оромгоҳларда дам олаётган болалар тақдир этилган. Улар гуруҳларга бўлинган ҳолда турли хил спорт, интеллектуал мусобақаларда иштирок этиб, билим ва иқтидорларини синовдан ўтказди.

Болажонларнинг қувноқ уйин-кулгулари, Ўзбек эстрада юлдузлари иштирокидаги шоу-дастурлар ҳамда боғдаги аттракционлар учун тарқатилган бепул чипталар иштирокчилар кайфиятини кўтариб, тадбирнинг узоқ вақт ёдда қолишига хизмат қилди.

Шунингдек кўрик-танловларда иштирок этган қатнашчилар “Камолот” ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан махсус совғалар билан тақдирланди.

Замира ТОШЕВА
СУРАТЛАРДА: “Ёзги “Камалак” — 2005” болалар фестивалидан лавҳалар.
Наталья Семёнова олган суратлар

Ғолиб

МУҲИМ УЧ
ОЧКО

ЎТГАН КУНИ

— “Пахтакор” марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар мамлакат XIV миллий чемпионатидаги “Пахтакор” — “Металлург” учрашувининг ғувоҳи бўлишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилги мавсум “пахтакор”чилар учун ўзига хос жиддий синов вазифасини ўтамоқда. Сабаби, Қаршининг “Насаф” ҳамда Фарғонанинг “Нефтичи” жамоаларига имкониятни бой бериб, муҳим очколардан маҳрум бўлган пойтахтлик чарм тўп усталари ҳозирча турнир жадвалининг иккинчи поғонасида боришмоқда.

Шу боисми, “Металлург” жамоасига қарши курашда “пахтакор”чилар галаба учун бор имкониятларини ишга солишди. Албатта, турнир жадвалининг куйи поғоналаридан бирини эгаллаб турган “Металлург” жамоаси ҳам “Пахтакор”га муносиб қаршилик қилишга ҳаракат қилди. Аммо, тажриба ва маҳорат бобида устунлик қилган майдон эгаларининг ҳар бир ҳужумлари шиддатли кечди. 90 дақиқа мобайнида мухлислар етти та голнинг ғувоҳига айланишди. Қизқарли кечган беллашув 5:2 ҳисобида “пахтакор”чиларнинг галабаси билан якунланди. Мухлисларга ажойиб лаҳзаларни ҳада этган тўпларни “Пахтакор”дан Гейрих, Копалдзе, Жепаров (2 та), Абдуллаев, “Металлург”дан эса Пирназаров ва Исроиловлар йўллашга муваффақ бўлишди.

Биринчи давра беллашувлари “Локомотив” — “Бухоро” баҳсидан кейин низоҳасига етди. Ушбу уйин натижаси қандай якунланишидан қатъи назар мамлакат XIV миллий чемпионати биринчи даврасини “Насаф” биринчи, “Пахтакор” ва “Маъсала” жамоалари иккинчи, учинчи ўринлар билан якунлашди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

ТАХЛАШГА
ОСОНИШ...

Одатда, японларнинг “сеҳрли” қўллари нималарни яратмайди дейсиз. Эшитган бўлсангиз керак, улар тўртбурчак шаклидаги тарвуз навларини ихтиро қилганлар. Бундай тарвузларни автоуловга ортиш, тушириш, ҳатто сақлаш жуда қулайдир. Бундига нима дейсиз, японларнинг табиатшунос-биологлар бир неча хил ўсимликларни чапиштириш йўли билан ғалати нав дарахт яратдилар: дарахт танаси гўё йўналиб қўйилганидек — параллелипед кўринишига эга. Мазкур кўринишдаги дарахт устунлари зич, текис тахланиши, жой “ўйирламаслиги” билан ажралиб туради. Бундай маҳсулотдан тўғридан тўғри тўсинлар, поезд шпаллари сифатида фойдаланилса бўларкан.

БАРОМЕТР
СИФАТИДА
ФОЙДАЛАНАДИЛАР

Тропик минтақали ўрмонларда монстера номи билан юритилувчи ўсимлик мавжуд бўлиб, уни баъзан манзара кашф этувчи хона ўсимлиги сифатида ҳам ўстиришди. Одатда монстера илашиб ўсувчи, аргимчоқ ташлайдиган лиана кўринишида бўй чўзади. Асл макони намгарчиликда бўлганлиги туфайли ушбу ўсимлик турфа йўллар билан сувни ўзига синдириб

Табиат ажойиботлари

олиш хусусиятига эга. Ҳаво очилиб кетганида, иссиқлик нафаси урганида табиийки, бошқа ўсимликлар каби сувни буғлантириб туради. Ҳавода намлик ортганида, ёмғир ёғиш арафасида, сувнинг буғланиши ҳийла қийинлашганда ўсимликнинг баргларида одам ёшига ўхшаш шаффоф сув томчилари бесаноқ марвариддек тизилиб туради. Бу дарахтдан маҳаллий аҳоли баъзида об-ҳаво даракчиси (барометр) сифатида ҳам фойдаланадилар.

УЯТЧАНЛИГИ
КЕЛИНГА
ЎХШАЙДИ

Кримдаги ботаника боғида бўлганимизда одамни ҳайратга солувчи ўсимлик намунасини кўрганмиз. Ўсимликнинг бир тоифаси “Уятчан мимоза” номи билан юритилди. У нафисгина қаддиқоматли бута шаклида бўлиб, асосий барг бандида жойлашган эллиптиксимон кўринишли, худди бизнинг рус дарахти акацияга ўхшашиб кетади. Қизиги шундаки, мабодо сиз бу ўсимликнинг қоматига бармогингизни тегизадиган бўлсангиз, шундоққина кўзингиз олдида шалвираб, қоматини букчайтириб гужанак бўлиб олади. Маълум фурсат ўтганидан кейин биз “уятчан” номи билан юритаётган мимоза қоматини яна ростлай бошлайди. Одамни ҳайратга соладигани шундаки, мазкур ўсимлик ташқи таъсиротларга нисбатан жуда сезгир, мабодо бирор

бир бадбўй ис бўладиган бўлса ҳам “танг” ҳолатга тушиб бўшашиб кетади.

Кўпгина манбаларда наботот намуналарининг “кўриш”, “эгасини ҳис қила билиш”, мусиқага қулоқ солиш каби ҳислатларга ҳам эгалиги хусусида маълумотлар келтирилади. Ким билали дейсиз, балки у ўсимликларда ҳали биз таҳлил этишга ожизлик қилувчи “асаб тизими” ҳам бордир.

ГУЛЛИ ТАОМГА
МАРҲАМАТ!

Тўғриси, инсон зотида гўзалликка, хушбўйликка, лаззатли таомларга нисбатан ихлос қўйиш ҳисси кучли.

Шуни қайд этиш ўтиш лозимки, кейинги вақтларда Японияга бир қатор гуллар, жумладан, саллагул-хризантема, атиргул барглари, шунингдек уларда муқаддас ҳисобланадиган сакура гулидан тайёрланган, турфа муаттарлиги билан иштаҳага “туртки” берадиган таъимли таомларни истеъмол қилиш оммавий тас оломқда. Нозик таъбли, худди оромқор пазандалар умумий овқатланиш мунассарарида ҳар бир таомга чиқингил ёки лаванда эзилмасини қўшишга ҳаракат қиладилар.

Айтишларига қараганда, гулли таом ва газакларни истеъмол қилган кишилар кўтаринки руҳ билан дастурхондан турадилар. Бундай хушбўй, ифори егуликларни исроф қилмасликка ҳаракат қилинади.

Маннон НАБИЕВ



Муассас:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилми: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳақми — 2 босма таъриф объект устулда
босилади.
2496 нусхада босилади. Қўғоғи бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиш ва сақдаланиши.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси бошқарови.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.